

**Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси методология бўлими томонидан
2025 йил 17-20 март кунлари амалга оширилган ишлар**

ҲИСОБОТИ

1. Норматив-ҳукукий ҳужжатларни идоралараро келишиш портали “project.gov.uz” орқали 1-та келиб тушган ҳужжат лойиҳани тўлиқ ўрганиб чиқилди ва ДТСЖ тамойиллари акс эттирилган таклифлар тайёрланмоқда.

2. 2025 йил 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Жамғарманинг ходимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” лойиҳаси муҳокамасида онлайн тарзда иштирок этилди.

3. 2025 йил 15, 17, 19 март кунлари Туркия тиббий суғурта тизими томонидан Ўзбекистонга бириктирилган халқаро маслаҳатчи Dr.Hasan Cog'lu билан учрашувлар ташкил этилди. Учрашув давомида қуйидаги масалалар ва уларга нисбатан иш режалари кўриб чиқилди:

а) тиббий хизматлар нарҳини белгилашда коэффицентлардан фойдаланган ҳолда тиббий хизматларнинг бир-бирига нисбатан иш ҳажми ва харажатлар кўламини коэффицентларда ифодалаш тизимини яратиш, бунда Туркия тажрибасидан фойдаланиб ҳамда халқаро маслаҳатчи ёрдамида тиббий хизматларни тизимлаштириш ва рақамлаштиришни йўлга қўйиш масалалар муҳокама қилинди. Учрашув давомида тиббий хизматлар тизимини шакллантиришда ўрин кун, овқат ва унинг таркибига кирадиган харажатлар ва хизматлар рўйхатини яратишдан бошлашга келишиб олинди. Бу йўналишда Методология ва Режа-иқтисод бўлимига вазифалар юкланди.

б) “Давлат тиббий суғуртаси тўғрисида Қонун” ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича муҳокамаси ўтказилди.

4. “DMED” статистика саҳифаси учун ДТСЖ томонидан топширилган Т3-сўровнома асосида муҳокамалар олиб борилди. Статистика саҳифасига дастлабки киритилган 2чи ва 3чи иловалардаги “Бириктирилган аҳоли” ва “Бирламчи тиббиёт ташкилотларига қатнов сонлари” кўриб чиқилди ва Т3 юзасидан қилинмаганлиги аниқланди ва қайта ишлашга юборилди.

5. ДТСЖ ходимлари учун “Корпоратив электрон манзил ва булутли файл алмашинуви порталини таништирув” мавзусида ZOOM учрашув ўтказилди. ДТСЖ ходимлари 63 нуқтадан 100 га яқин ходимлар қатнашди.

6. “Беморнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” ва “Шифокорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” мавзусида аҳолига маълумотнома (лойиҳа) кўриб чиқилди, кўшимча таклифлар киритилди.

7. Жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар (кафолатланган пакет доирасида) рўйхати шартнома иловалари кўриб чиқилди ва тузатишлар киритилди.

8. “Даволаш-профилактика муассасаларида тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш ва экспертизадан ўтказиш тартиби ҳамда тиббиёт муассасалари фаолиятини баҳоловчи индикаторларни тасдиқлаш тўғрисидаги НИЗОМ” лойиҳаси кўриб чиқилди, ўзгаришлар киритилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилди.

9. Литва давлатининг тиббий суғуртаси тажрибаси бўйича тақдимот-презентацияси ўрганилди.

10. “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ лойиҳаси ўрганилди.

11. Стратегия бошқармаси томонидан туркиялик мутахассислар тақдим этган таклифлар асосида яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг лойиҳаси ўрганилди.

12. ”Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ҳужжат лойиҳаси ўрганилди.

13. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 2025 йил 17 мартдаги 29-х/с - сонли буйруғи ижроси бўйича ҳудудий бўлинмалар фаолиятини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

14. Жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар (кафолатланган пакет доирасида) рўйхати - шартнома шловаларини шакллантириш якунланди ва ҳужжатни <https://shartnoma.dtsj.uz/> сайтига жойлаштириш устида иш олиб борилди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан 2025 йил 11 мартдан “долзарб бир ойлик” ободонлаштириш тадбирларига сафарбарлик эълон қилинганлиги асосида Жамғармада уюштирилган шанбаликда иштирок этилди.

16. Фтизиатрия ва пульмонология тиббиёт муассасалари билан тузиладиган шартнома лойиҳасини янгилаш жараёни давом этмоқда.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лойиҳалар офиси ходимлари билан биргаликда “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

18. “Аҳоли жон бошига” молиялаштиришда қўлланиладиган аҳоли муассаса тури коэффиценти қайта кўриб чиқилди ва ўзгартиришлар киритилди.

19. “Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тизимида молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

20. “Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тизимида молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси бўйича келишмовчилик жадвали тайёрланди.

21. Айрим ҳужжатлар Ҳудудий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси билан кўриб чиқилди, шу жумладан “Дори воситалари ва тиббий буюмлар харидини тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарор лойиҳаси кўриб чиқилди.